



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

№ 13  
(934)  
2025 йил  
3 апрель,  
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

## Форум

# ТАБИАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ АСРАШ – БУРЧИМИЗ

**Марказий Осиё**  
атроф-мухит ва иқлим  
ўзгаришини ўрганиш  
университетида “Халқаро  
ўрмонлар куни”га  
багишланган халқаро  
форум бўлиб ўтди.



Форумда Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов, Баш прокурор ўринбосари Шерзод Тўхтабоев, Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Эркин Мухиддинов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш масалалари қўмитаси раиси Хайрулло Гаппоров, соҳа ходимлари, халқаро эксперtlар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давоми 3-саҳифада

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН ЯНГИ СИЁСИЙ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Самарқанд шахариниң  
кандай намуналар ким тушмайди?

- 4–5-апрель кунлари “Силк Роад Самарқанд” мажмусининг конгресс марказида Ўзбекистонда экология ва иқлим ўзгариши соҳасидаги энг йирик тадбирлардан бири — Самарқанд иқлим форуми бўлиб ўтади.
- “Марказий Осиё экологик муаммоларга дуч келмоқда: барқарор ривожланиш ва фаровонлик учун минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” мавзусидаги форум иқлим ўзгариши ва барқарор ривожланишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун етакчи глобал эксперtlар, ҳукумат расмийлари ва халқаро ташкилотлар вакилларини бирлаштиради.
- Тадбирда 82 давлатдан делегациялар, жумладан, давлат раҳбарлари, атроф-мухит, иқтисодиёт ва сув ресурслари бўйича масъул вазирлар, шунингдек, БМТ, халқаро молия институтлари ва эксперtlар иштирок этади.

Давоми 2-саҳифада



Inter-Parliamentary Union  
For democracy. For everyone.

150 IPU ASSEMBLY  
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025





Inter-Parliamentary Union  
For democracy. For everyone.

150

IPU ASSEMBLY  
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

# Парламентлараро Иттифоқининг 150-юбилей ассамблеяси Марказий Осиё учун янги сиёсий имкониятлар эшигини очади

## (Боши 1-саҳифада)

Сўнгги йилларда миллий парламентимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган хуқуқий демократик ўзгаришлар, ижтимоий-иктисодий юксалиш ва ташки сиёсатнинг фаол иштирокчи сига айланни бормоқда.

Қолаверса, Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган ҳалқаро парламентлараро ҳамкорлик алоқалари янги таҳрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб бормоқда.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямиз орқали Конунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Икки палата ишидаги тақорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланди. Конунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса, 14 тадан 18 тага кўпайди. Шунингдек, илгари сенаторларимиз назорат тадбирларида ёки сайловчилар билан учрашувларда қонунларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ваколатга эга эмас эди. Янгилangan Конституциямизда Сенатга қонунчилик таклифини киритиш хукуки берилиши билан масала ўз ечимини топди.

Амалга оширилган бу каби ислоҳотлар сабаб, парламентимизнинг ҳалқаро алоқалар географияси ҳам тобора кенгаймоқда. Жаҳон миқёсида Ўзбекистон миллий манфаатларини ифода этиш, хорижий давлатлар парламентлари ва ҳалқаро парламентлараро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда.

Хусусан, биргина Конунчилик палатасининг ўзида бир қатор ривожланган давлатлар парламентлари билан дўстлик гурухлари фаолияти йўлга кўйилган. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Парламентлараро Иттифоқ, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси, ЕХХТ Парламент ассамблеяси ҳамда Туркий тилли

давлатлар Парламент ассамблеяси билан алоҳида амалий ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилимоқда. Парламентлараро Иттифоқининг 150-ассамблеясининг 5-9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши фикримизнинг тасдиғидир.

Ассамблеяning асосий мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номланиб, унинг доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, хукуқ устуворли-

гини таъминлаш борасида тажриба алмашади. Ушбу мuloқot дунё парламентларига миллий парламентимиз фаолияти, Олий Мажлис палаталари томонидан йигилган бой тажриба билан танишиш имконини беради. Шунингдек, парламентимиз фаолиятини янада тақомиллаштириш борасида ҳалқаро тажрибани ўрганишга замин яратади.

Қолаверса, Ўзбекистон парламенти бу каби йирик платформани қабул қилиш орқали ҳалқаро

миқёсдаги сиёсий субъект сифатида тан олинади. Бу мамлакатнинг ташки сиёсатдаги ролини мустаҳкамлайди ва янги дипломатик имкониятларни очади.

Умуман олганда, Марказий Осиё тарихида илк бор Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқининг 150-юбилей ассамблеясининг ўтказилиши Ўзбекистон учун муҳим сиёсий ва стратегик воқелик саналади. Сабаби, ушбу Парламентлараро Иттифоқ 1889 йилда ташкил этилган бўлиб, дунёдаги қонун чиқарувчи органларнинг энг йирик ва нуфузли ҳалқаро тузилмасидир. Унга 180 дан зиёд мамлакат аъзо бўлган, шунингдек, 15 та минтақавий парламент ва 15 та кузатувчи ташкилот фаолият юритади.

Шу боис, мазкур тадбирнинг юртимизда ўтказилиши “Ўзбекистон – 2030” ва бошқа стратегик дастурлар доирасида изчили олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсати ва унинг самараларини кенг ҳалқаро жамоатчиликка етказиш учун ҳам қулаги ҳалқаро майдон ва имконият демакдир.

Қолаверса, Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси нафақат сиёсий, балки маданий ва инсон хуқуqlари масалаларида ҳам муҳим платформадир. Чунки, ассамблеяда тинчлик, барқарорлик, иқлим ўзгариши, гендер тенглиги, ёшлар сиёсати каби глобал масалалар муҳокама қилинади. Бу Ўзбекистоннинг ушбу масалалардаги позициясини баён этиш ва ҳалқаро ташабbuslarга қўшилиш имкониятини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, Парламентлараро Иттифоқининг 150-юбилей ассамблеяси Тошкентда ўтиши бу тарихий воқеа. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун ҳам янги сиёсий имкониятларни очади. Бу тадбир мамлакатдаги ислоҳотларни ҳалқаро доирада намоён қилиш, парламентлараро алоқаларни кучайтириш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлади.

**Дилрабо ХОЛБОЕВА,**  
**Конунчилик палатасининг**  
**Аграр ва сув хўжалиги**  
**масалалари қўмитаси раиси**  
**ўринбосари**



## Форумнинг асосий мавзулари

**Тадбир юқори даражадаги мuloқotлар учун платформа бўлиб хизмат қилади ва қўйидаги ихтисослаштирилган сессияларни ўз ичига олади:**

- Яшил иқтисодиёт — барқарор ривожланишга йўл;
- иқлим муаммоларига жавобан Марказий Осиёning биологик хилма-хиллиги ва табиий экотизимларини сақлаш;
- Тоза энергия: барқарор ва экологик масъулиятли ривожланиш асоси;
- Марказий Осиёда иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини комплекс бошқариш;
- Ёшлар: келажакка оптимизм билан қараймиз;
- Барқарор шаҳарлар ва иқлим муаммолари: комплекс режалаштириш ва бошқарув;
- Иқлим ўзгаришига илмий ёндашувлар ва инновацион ечимлар: глобал муаммолар ва маҳаллий стратегиялар.

Форум доирасида, шунингдек, социалистик қурилиш даврида ижтимоий ролларнинг ўзгариши ва атроф-муҳит ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликка қаратилган “Аёллар изидан оқаётган дарё” лойиҳаси кўргазмаси ҳам бўлиб ўтади.



# Табиат барқарорлигини асраш – бурчимиз

(Боши 1-саҳифада)

Тадбирни очиб берган Экология вазири Азиз Абдуҳакимов ўрмонларнинг аҳамияти ва юртимизда ўрмонзорлар барпо этиш, яшилик дарражасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, ўрмон худудларини кенгайтириш ва уларни қайта тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлигини таъкидлади.

Ўрмонлар экологик хавфислийкни таъминлаш, барқарорликни асраш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, иқлим ўзгаришини юмшатиш, ҳаво ва сувимизни тозалаш, бутун дунё бўйлаб миллионлаб инсонларнинг турмуш тарзини яхшилашда ҳам катта рол ўйнайди, — деди А.Абдуҳакимов. — Афсуски, бугунги кунда дунё миқёсида ўрмонлар худуди камайиб бормоқда, натижада экологик вазият ёмонлашмоқда. Бу эса инсониятни мавжуд ўрмонларни сақлаб қолиш, яшилик дарражасини ошириш ҳақида чукурроқ мулҳоза юритиш ва бу борада бирлашишга ундейди. Шундай экан, ўрмонларни муҳофаза қилиш доимий вазифамиз бўлиб қолишини асло унутмаслигимиз керак.

Вазир, шунингдек, ўрмон хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этиб, уларни ушбу сана билан самимий табриклади ва келгусидаги фаолиятларига муваффақиятлар тилади.

Бош прокурор ўринбосари Шерзод Тўхтабоев ҳам соҳа фидойи-ларини байрам билан табриклаб, меҳнат фаолиятларида юксак муваффақиятлар тилади. Шу билан бирга, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорлик янада самарали бўлишига ишонч бил-

дирди. Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Эркин Мухитдинов эса амалга оширилаётган ишлар, хусусан, чўлланишнинг олдини олиш, химоя ўрмонзорлари барпо этишда соҳа ходимларининг хизматлари катта эканлигини қайд этди. Шун-

дан сўнг соҳада узоқ йиллардан бўён самарали фаолият юритиб келаётган бир гурӯҳ ходимлар “Ўрмон фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шунингдек, форумда ўрмончилик томонидан етиширилаётган

доривор ва бошқа маҳсулотлар кўргазмалари, дараҳтларни асрашга қаратилган “Ота эккан дараҳт” спектакли тақдим этилди. Форум якунида меҳмонлар учун университет худуди бўйлаб экскурсия ўюштирилди.

Ўз мухбиришим.



2024-йилда республикада ўрмон билан қопланган майдонлар **3650 МИНГ** гектарга ва ўрмон билан қопланганлик даражаси **8,1 фоизга** етказилди. Республикада экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида **220 МИНГ** гектар майдонларда ўрмонлар барпо қилинди ва қайта тикланди. Жумладан, Орол денгизи туби ва Оролбўйи худудларида қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида жами **215 МИНГ** гектар, шундан, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйнок туманида **112 МИНГ 500** гектар, Бухоро вилояти Олот туманида **41 МИНГ** гектар, Навоий вилояти Томди, Учкудуқ туманларида **51 МИНГ 300** гектар ва Хоразм вилояти Тупроққалъа туманида **10 МИНГ** гектар майдонда “яшил қопламалар” яратилди.

Маълумот учун, ўрмон фонди ерларининг умумий майдони **12 млн 100 минг** гектар бўлиб, республика умумий ер майдонининг **26 фоизини** ташкил этади. Ўрмон фонди ерларининг **10 млн 200 минг** гектари (84 фоиз) чўл, **1 млн 640 минг** гектари (13 фоиз) тоғ, **260 минг** гектари (3 фоиз) тўқай ва водий худудларидан иборат.

Бундан ташқари, барча ўрмон хўжаликларида тупроқ-иқлим шароитларга мос бўлган кўчкат етишириш бўйича **1300 гектар** майдонда ниҳолхона-кўчатхоналар ташкил этилиб, **127 млн туп ниҳол-кўчатлар** етишириш йўлга қўйилди. Қолаверса, республиканинг чўл, тоголди худудларида эрозия ва ерлар деградациясининг олдини олишга қаратилган **2 500 гектар** майдонда химоя ўрмонзорлари, **134 та шаҳар** ва туманларда **347 гектар** майдонда “яшил боғлар” барпо этилди.



**Хар қандай иқтисодий инқиroz корхоналар ва тадбиркорлар учун жиддий синов ҳисобланади. Ишлаб чиқариш камайиши, харажатлар ошиши, бозордаги ўзгаришлар ва молияни бошқаришдаги муаммолар бизнесни қаттиқ қийнаб қўяди. Аммо бундай вазиятда ҳам барқарор туриб қолиш ва ҳатто ривожланиш мумкин — агар тўғри молиявий йўналиш танланса.**

Мутахассислар таъкидлашича, молиявий ресурслар — яъни сармоялар, пул оқимлари ва маблағларни тўғри тақсимлаш — бугунги кунда факат омон қолиш воситаси эмас, балки ўсиш ва янгиланишнинг муҳим манбаидир.

Бу нималарни англатади?

- Корхоналар замонавий ускуналар ва технологияларга сармоя киритаётгани — маҳсулот сифатини оширишда катта қадам;
- Янги маҳсулотлар ва инновациялар орқали бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаш имконияти туғилади;
- Бундай ташаббуслар нафакат алоҳида компаниялар, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам фойда келтиради.

Шундай экан, иқтисодий инқиrozларни фақат ҳавф эмас, балки имконият сифатида кўриш керак. Энг муҳими — молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, илғор фикрлаш ва янги ечимларни кўллашдир. Чунки молия — бу нафакат ҳисоб-китоб, балки келажакка қилинган сармоядир.

Сўнгти йилларда жаҳон иқтисодиётидаги бекарорлик, валюталар курсининг ўзгариши ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошиб бориши туфайли турли маҳсулот ва хизматлар нархлари мунтазам равишда ошмокда. Бу жараён нафакат жисмоний шахсларнинг, балки йирик ва кичик бизнес субъектларининг ҳам иқтисодий барқарорлигига таъсир қилмоқда.

Нарх ошиши қандай қилиб кризис ҳолатини юзага келтиради?

■ Аҳолининг ҳарид қобилияти пасаяди — кундалик маҳсулотлар, дори-дармон, хизматлар кимматлашган сари одамлар ёрдамга муҳтож бўлиб боради. Истеъмол қилиш камайса — иқтисодий фаоллик ҳам пасаяди.

■ Корхоналар харажатлари ортиб боради — ҳом ашё, электр энергияси, логистика ва ишчи кучи нархи кўтарила, маҳсулот ишлаб чиқариш кимматлашади. Бу эса даромаднинг камайиши ва ҳатто банкротлик ҳолатларини келтириб чиқаради.

■ Қарз юки ошиб боради — арzon кредитлар ўрнини юқори фоизли молиявий мажбуриятлар эгаллади. Бу эса, айниқса, кичик бизнес учун ҳатарли.

■ Ишсизлик кўпайиши мумкин — харажатларни қисқартириш мақсадида иш жойлари қисқаради, одамлар даромадсиз қолади.

2025 йилда “хамма нарсанинг” нархи ошиб бориши давом этади. Бу ўсиш турли шаклда бўлиши мумкин:

— эпизодик — валюталар курсининг ўзгариши ёки айрим бозор

## ИНҚИРОЗ – СИНОВ ЭМАС, ИМКОНИЯТ

■ Ҳисоб-китоблардаги ҳатолар тахминан 30% га камайди;

■ Молиявий операцияларнинг умумий самарадорлиги 25% гача ошиди.

Шундай экан, замонавий технологиялар ва оқилона молиявий бошқарув биргаликда ишласа, ҳатто инқиroz ҳам янги имкониятга айланиши мумкин.

Инқиroz пайтида барча харажатлар ва даромадларни қайта баҳолаш зарур. Бунинг учун кузатиб бориш ва ўзгаришларга тез жавоб бериш учун мунтазам молиявий ҳисоб-китоб олиб бориш, факат мустаҳкам ва муҳим бўлган вазифаларга эътибор қардиш, инқиroz вақтида мутахассислар томонидан тавсиялар олиш, тўғри қарорлар қабул қилишда ёрдам беради.

Куйида биз корхоналарга инқиrozдан омон чиқиши ва ўз бизнесини барқарор сақлаш учун бир неча тавсияларни таклиф қиласиз.

1. Харажатларни қатъий назорат қилиш, бунда кризис даврида корхона харажатларини пухта таҳлил қилиш ва кераксиз харажатларни қисқартириш жуда муҳим. Бироқ, бу харажатларни кескин камайтириш дегани эмас — энг зарур соҳаларга эътибор қаратган ҳолда, самарасиз сарф-харажатлардан воз кечиш керак. Масалан, офис ижарасини қайта кўриб чиқиши, тежамкор энергия манбаларидан фойдаланиш ва материалларни самаравор ишлатиш орқали тежаш мумкин.

2. Самарадорлик — асосий мезон Экспертларнинг таъкидлашича, ортиқча маҳсулот заҳираси тўпланмаслиги керак. Чунки уни сақлаш, назорат қилиш, ҳисоб-китобини юритиш қўшимча ресурс талаб қиласи. Ишлаб чиқариш ҳажми қанча камайса, ходимлар сони ва харакатлар ҳам шунча озаяди, бу эса самарадорлини оширади. Бугунги кунда “пул қиммат”, яъни ресурслар етарлича чекланган ва шошилинч харажатларни талаб қиласи. Шу боис, нақд пул оқимини сақлаш устувор вазифалардан бирига айланади. Агар банк кредити зарур бўлса, ҳар сўмни ҳисоблаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

3. Бозор улуши ортидан кувиши — кейинга қолдирилиши керак. 2025 йилда бозордаги улуши учун курашиши — бу ҳолатга мос келмайдиган стратегия ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги пайтида энг тўғри йўл — ўз бизнесини барқарор ҳолда сақлаш қолиш ва харажатларни аниқ таҳлил қилишади. Бозор улуши кейин ҳам олинади. Агар компания ўзини барқарор сақлаш қолса ва рақобатчилар инқиrozга дош бера олмаса, улар тарк этган бозор бўшликларини эгаллаш имконияти пайдо бўлади.

4. Ассортиментни қайта кўриб чиқиши ва харажатларни қисқартириш шарт. Агар ҳом ашё ёки эҳтиёт қисмлар нархи кескин ошса, корхона раҳбарлари бу йўналишни қайта баҳо-

лаши керак. Таннарх назорати йўқ сегментларда ишлаш ўрнига, уларни тўхтатиб, самарали йўналишларга эътибор қардиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ортиқча товар позициялари — омбордаги ишчилар, логистика, бошқа харажатлар демакдир. Ҳар бир маҳсулот таҳлил қилиниши зарур: баъзиларига нарх оширилганда ҳам, сотув ҳажми камаймаслиги мумкин. Яъни танлов аниқ таҳлил асосида килиниши керак. Янги маҳсулотларни бозорга чиқариш режалари ҳам эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши зарур. Арзон сегментда муваффакиятга эришиш факат катта ҳажмда ишлаб чиқариш ва ҳом ашёни ёки савдо каналларини назорат қилиш имкониятига эга компаниялар учун мос келади.

5. Инқиroz даврида банк кредитларига боғлиқлини камайтириш муҳим. Шунинг учун инвестициялар, грантлар, ҳомийлар ёки давлат томонидан ажратиладиган субсидияларни ўрганиш керак. Краудфандинг, венчур капиталлари ва акция чиқариш каби замонавий молиялаштириш усуллари ҳам бизнесни кўллаб-куватлашда ёрдам беради.

6. Ҳозирги рақамли даврда корхоналар учун онлайн платформалар ва рақамли маркетинг катта имкониятлар яратади. Онлайн савдо, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш, тармоқ маркетинги ва электрон логистика корхонанинг янги мижзоларни жалб қилиш ва даромадини ошириш имконини беради.

7. Кам харажат билан юқори самарага эришиш учун ходимлар малакасини ошириш ва уларни кўпроқ ишга жалб қилиш муҳим. Масофавий ишлаш (remote work) ва тезкор онлайн-тренинглар орқали ходимлар малакасини ошириш ва уларни самаравор ишлатиш мумкин.

Холоса қилиб айтганда, кризис даврида молиявий ресурсларнинг самаравор ишлаб қилиши корхоналар учун нафақат муваффакиятли ишлаш, балки янги имкониятларни кўлга киртишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий шароитида бу ресурсларни тўғри тақсимлаш ва бошқариш орқали компаниялар ҳар қандай муаммола чидамли бўлиб, кризисдан минимал зарар билан чиқиши мумкин.

Умуман олганда, 2025 йилда бизнес соҳасида «катта кўриниши» эмас, балки оқилона бошқарув биринчи ўринга чиқади. Очиқ стратегик таҳлил, харажатларни оптималлаштириш, пул оқимини аниқ бошқариш ва фойдали маҳсулотлар билан ишлаш — бу йилда муваффакиятнинг энг асосий омиллариридир.

**Наргиза ЖИЯНОВА,  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети “Молия ва  
молиявий технологиялар”  
кафедраси профессори, иқтисодиёт  
факулти номзоди**

# Саройқўрғон – чўл бағридаги ям-яшил маскан



**Бугун ҳар бир инсон қалбида,  
одамларимиз тафаккурида она  
табиатимизга нисбатан ўзгача  
муносабат, меҳр-муҳаббат туйғулари  
шаклланаётганига амин бўламиз.  
Буни ҳар бир оилада, таълим  
даргоҳлари-ю, болалар боғчаларида  
ҳам кузатишими мумкин.**

Табиатни асраб-авайлаш, унинг жароҳатлари-га малҳам бўлиш, камчиликларини тўлдириш, экологик таълим-тарбияни кучайтириш, экомаданиятни юксалтириш, келгуси авлодларга соглом ва бой табиатни мерос қолдириш йўлида ибратли ишлар амалга оширилаётганлигини ҳис қиласиз. Гап она табиат, уни асраб-авайлаш ҳақида кетар экан, унинг жонфидо фаоллари олиб бораётган хайрли ишлар тўғрисида тўлкинланиб гапиргингиз келади. Улар оддий қаламчадан, миттигина уруғлардан қунт ва сабр билан шовуллаган боғ-роғлар, ўрмонлар барпо этишмоқда. Айниқса, сув танқис бўлган ярим чўл худудлардаги яшил плантациялар нечоғлик оғир меҳнат самараси эканлигини ҳис этиш кийин эмас. Нуробод туманидаги Саройқўрғон ўрмон жамоаси аҳлини чин маънода табиат жонкуярлари, унинг ҳақиқий шайдолари десак, арзиди. Хўжаликни табиатнинг ана шундай шайдоси бўлган бағрикенг инсон Неъмат ака Ҳамраев кўп йиллардан буён моҳирлик билан бошқариб кела-япти. Ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 9241 гектарни ташкил этади. Ана шу худуднинг 3323 гектари маданий, 217 гектари табиий ўрмон хисобланади. Саккиз гектар тўқайзор мавжуд. Унда манзарали дараҳт кўчатларидан шарқ

арчаси, крим қарагайи, моживилник этиширилмоқда. Шунингдек, донакли мевали дараҳт кўчатлари ҳам парваришлиланяпти. Япон сафораси, каштан дараҳтини кўпайтириш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг она табиатга бўлган эътибори, ғамхўрлиги ҳар бир ўрмончининг юрагига катта ишонч бахш этајипти. Уларнинг ишга бўлган муносабати ўзгача шаклланиб, табиатга меҳр, қасбига қатъий ишонч билан меҳнат қилишмоқда. Ўзлари эзгу ташабbus билан чиқишаётганти.

– Қувончлиси шундаки, ўрмон хўжалиги факат гўзаллик тимсоли бўлиб қолмасдан, балки хўжалик учун даромад манбаи, аҳоли учун қурилиш ашёлари сифатида ҳам қадрлидир, – дейди хўжалик раҳбари Неъмат Ҳамраев. – Ўрмончиларимиз олдида турган асосий вазифалар маҳсулдор ўрмонлар барпо этиш, унинг дараҳт таркиби ва сифатини яхшилаш, юкори ирсий ҳусусиятларга эга бўлган дараҳт ва буталар уруғларини териш, мавжуд табиий ҳамда маданий ўрмонзорларни келажак авлодларга етказишдан иборат. Жамоамиз томонидан ўрмонларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, кўплаб маданий ўрмонлар барпо этиш, кўчкиларга қарши чоралар кўриш, тог ёнбағриларида эрозияни олдини олиш мақсадида турли дараҳт навлари кўпайтирилмоқда. Бундан ташқари, ўрмонзорларни парваришилаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш, ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик йўллар қуриш, турли касалликлар ва заараркунандаларга қарши кураш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўрмонларнинг маҳсулдорлигини оширишда уругчилик ишлари сифатини яхшилаш ва уларни кўчатхоналар-

да этишириш агротехникасини юкори савида олиб боришга катта аҳамият берилмоқда.

Худуд икки регионга ажратилган. Бири тоғ региони, иккинчиси чўл региони. Жами ўрмончилар 16 нафарни ташкил этади. Уларнинг қай бири билан сухбатлашманг, яхши кайфиятда эканлигига амин бўласиз. Қувондик Қамаров, Нурулла Ҳамраев билан сухбатлашасизми ёки Эргаш Тожиев, Шукрулло Ризаев, Асад Ёриевларни айтасизми, уларнинг ҳар бири ўз касбинг фидойиси, соғ қалбли инсонлар эканлигидан қувонасиз. Дарҳақиқат, жамоа юртимизни боғ-роғларга, ўрмонларга буркаш учун астойдил интилмоқда. Улар томонидан этиширилган 200 мингдан зиёд ёш ниҳоллар янги-янги дараҳтзорларга айланиб бўй чўзди.

Шуниси дикқатга сазоворки, ўрмончилар писта, бодом сингари ноёблашиб бораётган дараҳт кўчатларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қартишмоқда. Айни пайтда 319 гектар бодомзор, 2535 гектар пистазорлар меҳр билан парваришилашади. Бодомзор ва пистазорлардан яхшигина ҳосил олиниши жамоа аъзолари иқтисодини мустаҳкамлаб бораяпти. Чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш соҳаларида ҳам ижобий қадамлар ташланмоқда. Ўрмонда сайр қиласар эканмиз, турли-туман ўсимликлар, шифобахш гиёҳлар, сайроқи кушлар бу ерни ҳақиқий ватан тутганига амин бўламиз. Унинг бағрида яшаб, табиатга ошно бўлиб, неъматларини инсонларга бахш этаётган фидойилари ҳеч қачон кам бўлишмасин.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,  
журналист**

## “МЕНГА НИМА”, ДЕМАНГ

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Жамиятимизда оила билан боғлиқ ўзига хосликни минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб келаётган никохнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдиаги бурчи, ўзаро иззат-хурмат ва ҳамжиҳатлик, ибо-ҳаё, оила шаъни ва номусини асраш каби ҳамма бирдек итоат этадиган ҳаётий қонунлар амал қилиб келмоқда.

Инсоннинг бахти яшаси фақат моддий таъминот билангина ўлчандайди. Ҳаётий мисоллар таҳлилларга суюниб айтадиган бўлсак, бахти яшашнинг яна энг муҳим омили – маънавият, ахлоқ масаласидир.

Оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, ота-оналар масъулияти ва оиладаги муносабатлар масаласига, айниқса, муаммоли, нотинч оилалар билан ишлашда хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда ёшлар ташкилоти вакиллари — кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор қартилиши лозим.


Тинч ва ахил яшаб, фарзандларини яхши тарбиялаб, умргузаронлик қилиб келаётган ота-оналар, уларнинг ҳаёт йўли ҳамда бошқалар бахти учун холис ёрдам кўлинни чўзаётган инсонлар тўғрисида маълумотлар бериб борилиши ҳам жамоатчилик, айниқса, ёшлар маънавияти ва ахлоқига ижобий таъсир этувчи муҳим омил бўлиши мумкин. Оммавий ахборат воситалари, интернет сайтлари орқали жамоатчилик содир этилаётган оилавий низо ва жиноятлардан хабардор қилиб борилаётганлиги каби, оиласалардаги ижобий ҳолатларни ҳам

ёритиб бориши лозим. Зеро, ўқувчи, ҳусусан, ёшларнинг масалага муносабатини шакллантиришда биргина салбий ҳолатларни кўрсатиш эмас, балки ўрнак оладиган ҳолатларни ҳам улар ҳукмига ҳавола қилиш мақсадига мувофиқдир. Бунда асосий эътиборни оила мустаҳкамлиги нимага олиб келиши, шунингдек, ажралишлар оқибати инсон ҳаётига қандай таъсир этишини аниқ мисолларда, масалан, ажрашган оила аъзолари, ота-она ва фарзандларнинг жиноят кўчасига кири б кетганлиги каби ҳолатларни кўрсатиш лозим ва бу яхши самара бериши табиий.

Ҳар қандай оила муаммосига “бу менинг муаммом эмас, менга нима” қабилида эмас, аксинча “бу бизнинг муаммомиз” деб қарасак, бирини ака, бошқа бирини ука, опа-синглигим десак, зарур маънавий кўмак берсак, оиладаги фарзандларни ўз фарзандимиз қаторида кўрсак ва кимгадир моддий ва маънавий кўмак қўлимизни чўзсан, адашганга тўғри йўлни кўрсатсан ёки далда берсак, натижага ўта ижобий бўлади.

**Саида ИСМАИЛОВА,  
Тошкент шаҳар  
Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ  
бўлими мудираси**





# ЯНА БИР СТЕРЕОТИП «СИНДИ»

## энди билим учун мукофот спортдагидан кам бўлмайди

Авваллари ижтимоий тармоқларда «спортчилар катта мукофот олади, билим учун бундай эътибор йўқ» деган гаплар кўп бўларди. Энди бу ўз аҳамиятини йўқотади.

Спортда олимпия чемпионлигини қўлга киритиш осон эмас. Олимпиада ғолиблиги — дунёнинг миллиардлаб аҳолиси орасида ўз спорт тури ва вазнида энг кучлиси бўлиш демакдир. Бундай шараф ҳар қандай спортчининг орзуи. Шу боис спортга эътибор, унга бўлган рағбат, чемпионларни муносиб тақдирлаш ўзини оқлади. Мамлакат спортдаги муваффакиятлари орқали дунёга танилади, ёшларда мотивация уйгонади. Янги Баҳодирлар, Ҳасанбойлар ва Абдуқодирлар етишиб чиқиши табии жараёнга айланади.

### Илм-фан ютуқлари ҳам шу даражада қадрланади

Бундан буён илмда ютуқка эришган ёшлар спортчилар сингари катта рағбатга эга бўлади. Илгари ҳам таълим соҳасида мукофотлар кам эмас эди, аммо энди уларнинг миқдори каррасига ошиб бормоқда.

Фақат давлат эмас, балки хусусий сектор ҳам иқтидорли ёшларнинг интилишларини муносиб баҳолашга киришди. Ҳозирда таълимда селекция, яъни энг зукко ва истедодли ёшларни саралаб, уларни кўллаб-куватлаш тизими кучаймоқда.

### Ўзбекистон – пешқадамлар қаторида

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар – 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олган.

Бу эътироф бежизга эмас. Аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этган юртда таълим ва иқтидорларни

кўллаб-куватлаш устувор вазифа саналади. Хусусан, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг илк бандларида таълим тизимидағи ислоҳотлар ҳақида сўз боради. Унга кўра:

#### Таълим учун қулай муҳит

- Чекка худудлардаги 715 та мактаб ўқувчилари учун бепул автобуслар йўлга қўйилади.
- Барча умумий ўрта таълим муассасалари тоза ичимлик суви ва замонавий санитария инфратузилмаси билан таъминланади.
- 700 га яқин янги дарсликлар, методик кўлланмалар ва мобил иловалар ишлаб чиқилади.
- Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг таълим методикаси барча мактабларга жорий килинади.

#### Хусусий сектордаги ислоҳотлар

- Нодавлат таълим муассасалари сони 1000 тага етказилади.
- Келгуси беш йилда хусусий мактаблар учун 1 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.
- Давлат-хусусий шериклик асосида камидаги 100 та мактаб курилиши режалаштирилган.
- Халқаро молия институтлари орқали 2 миллиард долларлик таълим инфратузилмаси кенгайтирилади.

Ўзбекистонда 2024/25-ўкув йили бошида фаолият юритаётган нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони 455 тага етди. Ҳозирда бу мактабларда жами 112 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда.

Ушбу кўрсаткич 2018/19-ўкув илии бошига нисбатан 8,1 бараварга ёки 98 324 нафарга кўпайган.

#### Рағбат

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Фан олимпиадалари марказининг телеграмм каналида яқинда иккита эълонга кўзим тушди:

- бирида 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги математика олимпиадаси ўтказилиши, ғолибга BYD e2 автомобили (!) берилиши;
- иккинчисида мактаб ўқувчилари ўртасида математика, физика ва информатика фанларидан олимпиада ташкил этилиб, ТОП-ўқувчилар учун 1 млрд сўм (!), 18 нафар ғолиб учун Турин политехника университети ва AKITA университети учун 100 фоизлик грант, энг яхши мактаб жамоасига BYD Chazor автомобили ваъда қилинмоқда.

Бу — бир ҳафта ичидаги эълон қилинган иккита танлов. Ҳеч қандай шов-шув ҳам қилингани йўқ, чунки бундай катта ютуқли танловлар одатий ҳолга айланмоқда. Қолаверса, улар давлат бюджети ҳисобидан ўтказилаётган олимпиадалар эмас, хусусий таълим муассасаларининг ташаббуси билан ташкил этилган танловлар.

Демак, “ёш йигит-қизлар шунча пулни/мукофотни нима қиласи”, деган стереотип ҳам йўқоммоқда. Авваллари катталар танловларида ҳам бундай совринлар деярли қўйилмасди, ютуғига телевизор ёки компьютер бўлса, қанча овоза бўларди.

Иккинчидан, хусусий олий таълим муассасалари иқтидорлар учун

курашишни бошлашмоқда. Университетларнинг келгусидаги макоми, обрўйи ва рейтингини иқтидорли талабалар, битирувчиларнинг муваффакиятли карьераси белгилаб беради. Улар бугун отни қамчилаб қолишмаса, сараларини хориждаги университетлар “илиб” кетишади. Бу — соғлом рақобат, яхши тенденция.

Учинчидан, иқтидорли, билимли бўлишнинг қадри ошди. Олий таълим олишда вариантлар кўпайди. Илгари битта ўрин учун камидаги 10 нафар йигит-қиз кураш олиб борар эди. Қисқа даврда олийгоҳлар сони 3 баробар оширилди. Тизимда камров 42 фоизга етди.

Тўртинчидан, билимли ёшлар ўртасида ҳам рақобат юзага келиб, бунинг ортидан таълим сифати яхшиланади. Мактаб босқичиданоқ ёшларда аниқ мақсадлар, мэрралар пайдо бўлмоқда.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан учрашувда катта янгиликни эълон қилди: бундан буён халқаро фан олимпиадаси ғолибларига 70 минг доллар (!) мукофот берилади. Олдин ҳам бу сумма кам эмасди (14 минг доллар), бирор энди мукофот пули 5 карра оширилди!

Бешинчидан, «спортчилар катта мукофот олади, билимга бундай эътибор йўқ» деган гаплар энди ўз аҳамиятини йўқотади.

Ўқисанг, интилсанг, меҳнат килсанг, ўз соҳангда энг кучли, билимли бўлсанг, албатта рағбат топасан!

**Лутфулло ТУРСУНОВ,**  
**журналист**





## ЯШАШ ҮЧҮН ҚАЧОН ВАҚТ ТОПАМИЗ?

Кейинги пайтларда қаерга қарасам тадбир, маърака, гап-гаштак. Яқында қишлоққа борсам у ерда ҳам шу гап. Турли «... дош»лар гурухида ҳам шу мавзу – фалон жойга меҳмонга бордим, бир йиғилмаймизми ёки гапимиз бор. Тадбир, гап-гаштак, чойхонама-чойхона юришдан бошқа иш қолмагандек. Гүёки яшаш дегани – хаётинг тадбирлар, маъракалар, меҳмондорчилик атрофида айланиши демак. «Топганимиз тўйларга буюрсин», деган ният аслида яхши маънодаги «қарғишидек» нафақат «нақд»имизни, балки вақтимизни тадбирма-тадбир, тўйма-тўй юришга сарфлаб юбораётгандекмиз.

Биринчи эшитганимда, кўпчилик-нинг бир вақтнинг ўзида байрам, тадбир, гап-гаштак қилишидан хурсанд бўлдим. Аммо кейин ўйлаб қолдим: бу анъана ҳақиқатдан ҳам самими мөхмондўстликми ёки «дастурхон дабдабаси культи» деган янги маданиятнинг бир қисмига айланиб улгурдими? («Культ» – маълум бир одат, анъана ёки урф-одатнинг ҳаддан ташқари идеаллаштирилиши, ҳатто мақсадга айланиши.)

Бизнинг мөхмондўстлигимиз тарихий қадрият, лекин бу қадрият ҳозир қандай шакл олди? Илгари гаштаклар ва ифторлар тор доирада ўтар эди, ҳозир эса улар оммавийлашди. Кўпчилик учун бундай тадбирлар ижтимоий мақом кўрсатиш воситасига айланяпти. «Бугун чойхонам бор», «шу ой учта «гап»им бор», ижтимоий тармоқларга кирсанг ҳам: «фалон жойда «пати», яъни базмда мазза қилдим», деган фикрлар...

Бу мөхмоннавозликларнинг бир уни ижтимоий босимга бориб тақалади. Яъни бундай зиёфатлар «ҳашамга қараб одам қадрланади» деган тушунчани кучайтириб юбормаяптими? Кимнинг дастурхони тўкин, кимнинг таомлари хил-хил – шу нарсалар инсон қадрини белгилайдими? Очиги, бу қадимдан мөхмондўстликка катта эътибор берган жамиятимиз учун жиддий савол. Назаримда оддийлик, самимилик ўрнига ҳашамат ва исроф маданияти кучаяётгандек.

Бир қараганда, бу йигинлар яхши – одамлар бир-бири билан қўришади, мулоқот қиласди, уйда ўтириб қолмайди. Аммо бу анъана айрим ҳолларда формал мажбуриятга айланиб бораётгани кўзга ташланади. Тўйга борсан-

гиз, камида уч соат ўтиришингиз шарт. Қолмасангиз, «хурмат қилмади» деган гап чиқади.

Илгари йигинларда таомларнинг хили саноқли эди. Ҳозир эса овқатнинг тури кўпаймоқда. Саховат ва исроф ўртасидаги фаркни йўқотиб кўйдик. Катта дастурхон ёзиш ва кўп одамни чакиришни саховат деб ўйлаймиз, аммо ҳақиқий саховат мухтожларга ёрдам бериш эмасми?

**Қолаверса, оила бюджетига оғирликни айтмайсизми. Ҳар бир гаштак, туғилган кун, чойхона – бу катта ҳаражат. Агар бундай тадбирлар ҳаддан ташқари кўпайса, инсон ўз молиявий барқарорлигига зарар етказиши мумкин.**

**Бунинг ортидан балки кимлардир дам олар, аммо кимларгадир стресс ва чарчоқ келтириб чиқаришимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Айниқса катта тадбирлар кўпинча уй бекалари учун оғир юкка айланади. Ҳар доим мөхмон кутиши, катта дастурхон ёзиш ва идеал кўринишга интилиш орқали чарчоқ ва асабийлик кучаяди.**

Авваллари камтар дастурхон ва самимилик энг мухими эди. Ҳозир эса ҳашамкорлик, ресторанларда қилинадиган тантаналар ва сунъий безаклар мухим бўлиб қолди. Барча тадбирлар бир-бирини такрорлаяпти: безаклар ҳам, овқатлар ҳам, ҳатто сўзлашиладиган гаплар ҳам.

Умуман, бу тадбирларда қанақа самимилик сухбат бўлиши мумкин? Ҳам-

ма бошини дастурхондан кўтартмаса, одамлар бир-бирини эшитиш учун шароит бўлмаса, шовқин-сурон ва қошиқ, косаларнинг тарақлаши, қолаверса, вақт масаласи. Зиёфатлар одамларни бирлаштириши билан бирга, уларга ортиқча вазн ҳам қўшиши мумкин. Кўпчилик тўй ёки гап-гаштакка борганде «Ёқмаса, ейиш шарт эмас» деб ўйламайди, чунки бу мөхмондорчилик маданиятига тўғри келмайди. Ҳеч ким «мазам йўқ» ёки «парҳездаман» дейишга журъат қилмайди. Қолаверса, айрим тадбирларда ёғли ва ширин таомлар шу қадар кўп бўладики, ҳатто парҳез қилмоқчи бўлган одам ҳам ўзини тия олмайди.

Бундан ташқари, тадбирларда кўп ўтириш, кам ҳаракат қилиш ҳам семизликка олиб келади. Мехмон бўлиб борган жода айланиб юриш, сал югуриши ёки машқ қилиш мумкин эмас-да.

Авваллари одамлар бирорнинг уйига мөхмонга бораётганини айтиб қўйишининг имкони бўлмаган. Шу боис мөхмондорчилик кам бўлган. Илгари тўйлар, юбилейлар, турли йиғилишлар фақат оила ва маҳалланинг ичидаги мұхокама қилинарди, ҳозир ижтимоий тармоқлар орқали улар кенг ўйилмоқда. Бугунги кунда кимдир бирор тадбир ўтказмаса, у «камчилик»дек қабул қилинади. Аксинча, ўз тадбири ёки байрами ҳақида ижтимоий тармоқларда гапирмаган одам «унчалик ҳам мухим эмас»дек кўрилиши мумкин. Шу сабабли кўплаб одамлар нафақат ўзлари хоҳлагани учун, балки ижтимоий тармоқларда қўриниш бериш учун ҳам тадбирлар уюштиришга ҳаракат қиласди. Қовун-қовундан ранг олибди, дегандек, гурух-гурух бўлиб йиғилишлар шу ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилмоқда. Қариндош уруғлардан ортиб ижтимоий тармоқ яъни виртуал дўйстларга ҳам вақт топамиз. Топмаса, бормаса бўлмас...

Гап-гаштак, чойхона, тўй, базмлар, туғилган кун, байрамлар ва уларни ўтказишига сабаблар ҳаддан ортиқ кўпайиб кетмаяптими? Қачон мундок яшаш учун вақт топамиз ёки яшамок дегани шуми?

Барно СУЛТАНОВА

### Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни мұхофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

### Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАҚИМОВ  
Акмал САЙДОВ  
Актам ҲАЙТОВ  
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ  
**Бош мұхаррир**  
**Мақсуд**  
**ЖОНИХОНОВ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-310  
Адади: 1600  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiat@mail.uz  
Газета индекси – 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6



## ҲАЁТНИНГ ОДДИЙ

**Янги дарс мавзуси бўйича тайёrlаган материалларимни бир қур кўздан кечириб чиқиши учун бугун ишга одатдагидан кўра барвақтрок отландим. Машинамни институт жойлашган маҳалла муюлишида қолдириб, катта йўл ёқасидаги пиёдалар йўлагидан институтга яқинлашяпман. Кўринишидан эртароқ кексаликни бўйнига олган, қаддини бир оз олдинга эгиб юрувчи бир отахон мендан бир неча одим олдинда борарди.**

Отахон кескин ўнга бурилиб, катта йўл ўртасида ётган елим идиш қопқоғини энгашиб олди ва қўлидаги пакетга солиб кўйди. “Товба, – деб кўйдим ичимда, – ҳозирги кунда ҳар кадамда учрайдиган жимитдайгина қопқоқчага шунча оворагарчиликми?” Бунга ортиқ даражада эътибор қилмаган бўлардим. Аммо яна олдимга тушиб кетаётган отахон кутилмагандан тўхтади. Шу орада мен отахонга анча яқин келиб қолдим. Унинг кийимлари анча кирланиб кетган, соч-соқоли ҳам парваришсиз эканлиги диққатимни тортди. Отахоннинг олдида йўлак билан майсазорни ажратиб турган бетон тўсик устида ичига тупрок тўлдирилган, дараҳт барги ва шоҳчаларини гўёки гул қилиб ўтқазиб қўйилган бир қанча елим қопқоқчалар қатор териб қўйилганди. Афтидан, йўлак ёқасидаги кўп қаватли уйда яшовчи болалар кечга шу ерда ўйнашган-у, кеч кириб ўйинларини шундок қолдириб кетишганди. Отахон бир елим қопқоқчаларга, бир атрофга олазарак тикиларкан, уларни олишга ҳам, айни дамда ташлаб кетишга ҳам жуरъат қила олмаётганди. Яқинлашиб қолганим боис отахон беихтиёр менга тикилди. Тикилди-ю, зудлик билан нигоҳларини олиб қочди. Шунда бир сонияга бизнинг кўзларимиз тўқнашди. Унинг кўзларида қандайдир саросима, ишончсизлик, одамнинг раҳмини келтирадиган даражадаги мулоимлик ва жовдираш зоҳир эди.

Мен ўтиб кетдим. Ўтиб кетдим-у, аммо отахоннинг жовдираган нигоҳлари кўз ўнгимда қотиб қолди. Нимагадир, кун давомида отахонни ўйладим.

\*\*\*

Инсон ҳаётидаги арзимас туюлган бир воеа унинг шу пайтгача билган, аммо диққат қилмаган ҳақиқатлари борлигини эслатиб кўяди, баъзан. Мен ҳам юқоридаги воеа сабаб айrim ҳаёт ҳақиқатларини қайтадан англагандек бўлдим.

\*\*\*

Биринчи ҳақиқат. Аллоҳ Инсонни маҳлуқотлар ичидаги энг азиз ва мукаррам қилиб яратган. Модомики шундай экан, унинг ўй-хаёли ҳам, шаклу-шамойили ва амали ҳам шунга мос бўлмоғи лозим. Инсонлар учун ҳар ишда бир чегара бордирки, ўша чегарадан чиқиши “тубанлик” деган тушунча билан изоҳланади. Тубанлик эса инсонга хос кусур, аммо инсонийликка хос

фазилат эмас. Инсонийлик мақомида колиш ва юксалиш машҳақат талаб киляди, тубанлик боткоғи сари эниш эса осон. Донишманд Сукрот билан боғлиқ қўидаги ривоятга диққатингизни қаратмоқчиман:

“Сукрот табиат қўйнида илми толибларга машғулот ўтаётган паллада ўз даврининг бир сатанг хоними муком билан келиб, Сукротни мот қилмоқчи бўлиби.

– Эй Сукрот, – дебди сатанг, – ёш йигитчаларни йиғиб, нималар деб уларнинг бошини котиряпсан? Кел, баҳс бойлашамиз, сенинг хунаринг зўрми ёки менинг амалимми? Хоҳласанг, бир муком қилсанам, сабогингдаги йигитчаларнинг кўпи менинг ортимдан эргашади.

– Тўғри айтяпсан. Агар муком билан чорласанг, улар сенинг ортингдан кетишига мен ҳам ишонаман. Аммо билиб кўй, мен ўз хунарим билан йигитларни инсонийликнинг улуғ мартабасига, сен эса ўз амалинг билан уларни тубанлик боткоғига етакляпсан. Чунки юқорига чиқиши ҳар доим кийин, пастга эниш эса осон бўлган, – деган экан Сукрот”.

\*\*\*

Иккинчи ҳақиқат. Ҳаётнинг ярми шукрдан, ярми сабрдан иборат, дейишади. Дарҳакиат, инсон истаса, ҳар қачон ва ҳар қандай вазиятда ҳам шукр қилиш учун ўзида асос топа олади. Борига қаноат, етказганига шукр ва йўғига сабр қилиб яшаш иймонли кишининг фазилатидир.

Навоий ҳазратларида шукр ҳақида шундай хикматни ўқиймиз: “Кийиш учун оёқ кийиминг бўлмаса, кийиш учун оёғи ўйқларни кўриб шукр қил”.

\*\*\*

Учинчи ҳақиқат. Фарзанд – Аллоҳнинг улуғ неъмати. Агар сиз ушбу неъмат билан сийланган бўлсангиз, биллингки, яратганинг суюкли бандалари категоридаиз. Аммо, ўзингизга боғлиқ жиҳатлари ҳам борлигини унутманг. Коқилганингда суюнч, қариганингда таянч, бетоблигингда дармон бўладиган фарзандларга тўғри тарбия берилса, диний ва дунёвий илмлар ўргатилса, инсонга икки дунё саодатини баҳш этади. Аксинча бўлса, оқибати ҳам аксинча бўладики, бундан бандаларини Худонинг ўзи асрасин.

Жамият тараққиётининг бугунги босқичида инсонлар орзу-ҳаваслар курбонига айланиб бормоқда. Аслида



## ҲАҚИҚАТЛАРИ

\*\*\*

Тўртинчи ҳақиқат. Пул, бойлик аслида, инсоннинг ҳаётда муносиб яшаши ва орзу-ҳавасларининг рўёбга чиқариши учун бир воситадир. Аммо ҳар қандай жамиятда бойларнинг обрў-эътибори ва мавқе-марғабаси камбағалларникига қараганда анча устун бўлиб келган. Бунинг мен англаган сабаби куйидагича: камбағал одам кимга ёки нимагадир қарам ва бу қарамлик унинг руҳиятида у ёки бу даражада зухур топади. Бой одамларда эса ўша қарамлик туйгусининг йўқлиги ҳам ўз навбатида уларнинг фикрлаш тарзига таъсир килади. Ишонишингизни хоҳлардим, бойлик, айни пайтда камбағаллик ҳам, руҳият ва фикрлаш билан биз ўйлагандан кўра кучлироқ боғлиқдир. Кишшиларнинг бойлик ва камбағаллик натижасидаги фикрлаш тарзи уларнинг жамиятдаги мавқенин белгилайди. Ҳархолда, бойлик билан жамиятда эришиш мумкин бўлган жуда кўплаб мараларни забт этиш мумкин. Камбағал одамки қарамлик туйгуси исканжасида руҳияти шикастланар экан, муҳтоҷларнинг ҳолини тасаввур қилиш кийин эмас. Муҳтоҷ кишининг майиб руҳиятида синиқлик ва ҳаётга муносабатида ҳадиксираш мавжуд. Бу синиқлик унинг бутун борлиги ва руҳиятига сингийди ва кишиларга, воқеаларга муносабатида ўз аксини топади. Муҳтоҷ кишидан ақли фикр чиқиши мумкинди, аммо бу фикрнинг ақллилигига оммада шубҳа бўлади. Муҳтоҷ кишининг чорловларига омма эътибор қилмайди, улардан йўлбошли чиқиши ўта мушкул, ҳатто мумкин бўлмаган ҳодисадир. Камбағал ва муҳтоҷларнинг қарор кабул қилишлари кийин кечади, бу жараёнда уларда ҳадиксираш, иккиланиш ва хато қилишдан қўрқиши хисси устунлик килади. Бу қўрқув хисси баъзан меъёр тушунчаси чегарасидан чиқади ва аклга бўйсунмайди, натижада, аслида аҳамияти умуман йўқ қарорларда ҳам намоён бўлиб қолади. Шу тариқа муҳтоҷ кишининг “мен” и йўқолиб, руҳияти синиб, фикрлаш тарзи торайиб, ўзи майдалаши бораверади.

«Агар ҳаётдан ҳам азизроқ нарса бўлса, бу соғлиқдир, агар ўлимдан ҳам кўрқинчлироқ нарса бўлса, бу хасталиқдир. Агар ҳаётга тенг бирор нарса бор бўлса, бу бойликдир, агар ўлимга тенг бирор нарса бўлса, бу камбағалликдир», – деганда Бузургмехр накадар хақ гапни айтган.

\*\*\*

Азизлар! Инсон бўлиб тугилганимиз, бу – омад, Инсонлик мақомида қолиш ва унга муносиб бўлиш, бу – машиқат, Инсонийликнинг улуғ мартабасига кўтарилиш эса Саодатдир. Саодатли умр ҳар биримизга насиб этсин!

Умид ХЎЖАМҶУЛОВ